

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**АҲОЛИ ВА ХЎЖАЛИК
ЮРИТУВЧИ
СУБЪЕКТЛАРДА
ПАРВАРИШ ҚИЛИНАЁТГАН
ЧОРВА МОЛЛАРИНИ
СУҒУРТАЛАШ ТАРТИБИ
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент - 2024

**АҲОЛИ ВА ХЎЖАЛИК
ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА
ПАРВАРИШ ҚИЛИНАЁТГАН
ЧОРВА МОЛЛАРИНИ
СУҒУРТАЛАШ ТАРТИБИ**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва молларини суғурталаш тартиби бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 32 бет.

Мазкур услубий қўлланма чорва молларини суғурталаш тартиби, суғурта шартномасини тузиш тартиби, суғурта пули, суғурта мукофоти ва уни тўлаш тартиби, суғурта ҳодисаси содир бўлганда шахсларнинг ҳаракатлари, суғурта товонини аниқлаш ва тўлаш тартиби, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суғурта шартномасини ўзгартириш ва муддатидан олдин бекор қилиш тартиби бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.



Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.....	4
Асосий тушунчалар.....	5
Суғурта шартномасини тузиш тартиби.....	7
Суғурта пули, суғурта мукофоти ва уни тўлаш тартиби.....	9
Суғурта ҳодисаси содир бўлганда шахсларнинг ҳаракатлари.....	10
Суғурта товонини аниқлаш ва тўлаш тартиби.....	11
Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	13
Суғурта шартномасини ўзгартириш ва муддатидан олдин бекор қилиш тартиби.....	15
Иловалар.....	16

АҲОЛИ ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ПАРВАРИШ ҚИЛИНАЁТГАН ЧОРВА МОЛЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ СОҲАСИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

<p>Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ЎРҚ-701-сон Қонуни;</p>	
<p>Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва ҳайвонларини суғурта қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 830-сон қарори;</p>	

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР



суғурта — муайян воқеа (ҳодиса) юз берганда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, товонлар ва бошқа тўловлар тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир муносабатлар;

суғурталовчи — тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;



суғурталанадиган чорва ҳайвонлари — юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлган қорамол, қўй, эчки, от, туя, чўчқа, парранда, балиқ, мўйнали ҳайвонлар ва асалари;

суғурта қилдирувчи — чорва ҳайвонларига эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахслар;

суғурта полиси — суғурта шартномасининг кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат;



суғурта қиймати — чорва ҳайвонларининг баланс ёки бозор нархидаги қиймати;

суғурта мукофоти — суғурта шартномасига мувофиқ суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига тўланадиган пул маблағи;

суғурта пули — суғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарни қоплаш учун суғурталовчи томонидан олиб бориладиган жавобгарликнинг юқори миқдори;

суғурта ҳодисаси — суғурталанган ҳайвоннинг суғуртанинг амал қилиш муддатида нобуд бўлиши, ўғирланиши ва мажбуран сўйилиши;

суғурта таваккалчиликлари — суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси деб тан олинishi мумкин бўлган рўй берган ҳодиса;

суғурта товони — суғурта қийматига нисбатан суғурта қилдирувчига тўланадиган пул маблағи;

суғурта муддати — суғурта полисининг амал қилиш муддати.



СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ



Суғурта қилиш суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида тузиладиган суғурта шартномаси асосида амалга оширилади.

Суғурта шартномаси суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида **ёзма ёки электрон шаклда** тузилган битим бўлиб, суғурта қилдирувчи унга мувофиқ суғурта мукофотини (суғурта бадалини) суғурта шартномасида белгиланган тартибда, муддатларда ва ҳажмда тўлайди ҳамда суғурта шартномасида ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради, суғурталовчи эса суғурта шартномасида кўрсатилган муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Суғурта шартномасининг ёзма ёки электрон шаклини тузишга доир **талабларга риоя этмаслик** ушбу шартноманинг **ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.**

Суғурта шартномаси қуйидаги суғурта таваккалчиликлари асосида тузилади:

қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, туялар, чўчқалар, паррандалар ва мўйнали ҳайвонлар учун — ёнғин, бўрон, довул, сел, сув тошқини, яшин уриши, зилзила, қаттиқ совуқ тушиши натижасида музлаб қолиши, электр токи уриши (ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаса), заҳарли ўтлар ёки моддалардан заҳарланиш, транспорт воситаларининг уриб кетиши, портлаш, кўчки, йиртқич ҳайвонлар ҳужуми, сувга ёки жарликка қулаш, ўғирланиш (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса) ўткир предметлардан зарар кўриш ёки нобуд бўлиш, ушбу низомга 2-иловада келтирилган касалликларнинг келиб чиқиши оқибатида нобуд бўлиши, ҳайвонлар ўлиши муқаррар бўлганда ёки касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида давлат ветеринария хизмати ходими ва маҳалла фуқаролар йиғини вакили иштирокида мажбуран сўйилиш;



асаларилар учун — ёнғин, бўрон, довул, сел, сув тошқини, яшин уриши, зилзила, қаттиқ совуқ тушиши оқибатида музлаб қолиш, касалликлар оқибатида нобуд бўлиш, ўғирланиш (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса);



балиқлар учун — бўрон, довул, сел, сув тошқини, зилзила, касалликлар оқибатида нобуд бўлиш, мазкур жойга хос бўлмаган даражада ҳавонинг совуқ келиши, муз кўчиши, портлаш, балиқхўр қушлар (чайка, баклан) томонидан зарар етиши, учинчи шахс томонидан қасддан қилинган ҳаракат, ўғирлик (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса).



*Чорва ҳайвонларини суғурталаш бўйича суғурта шартномалари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий «Чорванасл» марказлари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган **агентлик келишувлари асосида тузилиши мумкин.***

Жисмоний шахслар билан тузиладиган суғурта шартномаси уларнинг мурожаатига кўра суғурта мукофоти тўлангандан сўнг суғурта полиси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Бунда жисмоний шахсларга бериладиган суғурта полиси — суғурта шартномаси ҳисобланади.

Суғурта қилдирувчига суғурталанган чорва ҳайвонлари учун ушбу Кўлланмага 3 — 7-иловаларга мувофиқ суғурта полиси берилади.

СУҒУРТА ПУЛИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ ВА УНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИНИНГ СУҒУРТА ҚИЙМАТИГА НИСБАТАН СУҒУРТА ПУЛИНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ МИҚДОРИ ҚУЙИДАГИЧА БЕЛГИЛАНАДИ:



қорамол, от, туя, чўчқа, қўй ва эчкилар учун

80%



мўйнали ҳайвонлар учун

60%



парранда, балиқ ва асалари учун

50%

Жисмоний шахсларга тегишли чорва ҳайвонларининг суғурта қиймати **бозор нархларидан келиб чиқиб**, суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг **келишувига асосан суғурта шартномасида белгиланади.**



Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган **хўжалик юритувчи субъектлардаги** чорва ҳайвонларини суғурта қилишда суғурта мукофоти чорва ҳайвонларининг **суғурта пулига нисбатан 8,0 фоиз миқдорида белгиланади.**



Суғурта мукофоти юридик шахслар томонидан суғурта шартномасига кўра **5 кун муддатда** суғурталовчига тўланади. **Жисмоний шахслар** томонидан суғурта мукофоти **нақд пул ёки пластик карточка орқали** ҳамда бошқа тўлов воситалари орқали тўланиши мумкин.



Суғурта полиси жисмоний шахсларга суғурта мукофоти тўланган кунда, юридик шахсларга суғурта мукофоти тўлангандан **сўнг 3 кун муддатда берилади.**

СУҒУРТА ҲОДИСАСИ СОДИР БЎЛГАНДА ШАХСЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ



Суғурта ҳодисаси рўй берганда, шу вақтдан бошлаб **5 кун муддатда** суғурта қилдирувчи ёки унинг ишончли вакили суғурталовчига ёзма ёки оғзаки **хабар қилиши шарт.**



Суғурталанган ҳайвонларнинг **нобуд бўлгани**, ўғирлангани (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса) ва мажбуран сўйилганлиги ҳақида ушбу Кўлланмага 8-иловага мувофиқ суғурталовчи томонидан тегишлилиги бўйича **3 кун муддатда далолатнома тузилади.**



Суғурта **товонини олиш учун** суғурта қилдирувчи ёки унинг ишончли вакили суғурталовчига **далолатнома тузилгандан сўнг 2 кун муддатда ариза билан мурожаат қилади.**

АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ИЛОВА ҚИЛИНАДИ:

суғурта полиси нусхаси;

ҳайвоннинг ветеринария паспорти нусхаси;

суғурта қилдирувчига хизмат кўрсатувчи ветеринар врач ёки давлат ветеринария хизмати мутахассисининг ҳайвон жасадини ёриш баённомаси;

ҳайвоннинг касалланиши, нобуд бўлиши ёки мажбуран сўйилиш сабаблари тўғрисида давлат ветеринария хизмати ёки ветеринария лабораториясининг хулосаси;

гидрометеорология маркази, ёнғиндан сақлаш хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ва бошқа ваколатли ташкилотларнинг маълумоти;

суғурта таваккалчиликларининг яққол намоён этувчи суғурта ҳодисаси рўй берганлигини тасдиқловчи фотосуратлар ёки видеотасмалар.

СУҒУРТА ТОВОНИНИ АНИҚЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Суғурталовчи суғурта шартномасида кўрсатилган шахсга фақат суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаши шарт.

Суғурталовчи қуйидагиларга ҳақли эмас:

агар у суғурта шартномасида ёки қонунда кўрсатиб ўтилган суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги далилларни олган бўлса, суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлашни рад этишга;

агар суғурта ҳодисасининг юз бериши суғурта қилдирувчининг (суғурталанган шахснинг ва (ёки) наф олувчининг) суғурта ҳодисаси юз беришига қаратилган қасддан қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан бўлса, суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлашга. Бундай ҳолда суғурталовчи тўланган суғурта мукофотини қайтармайди.

Тарафларнинг келишувига кўра, суғурталовчи зарарларни тўлиқ ҳисоб-китоб қилгунига қадар суғурта товонининг бир қисмини тарафлардан бирортаси ҳам низолашмайдиган миқдорда тўлаши мумкин.

Суғурта қилинган чорва ҳайвонлари суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта таваккалчиликлари натижасида нобуд бўлганда, ўғирланганда ёки мажбуран сўйилганда тузилган далолатнома, ветеринария хулосаси ва **суғуртага қабул қилинган кундаги баланс (бозор) нархи асосида суғурта товони аниқланади ва суғурта жавобгарлигидан ошмаган ҳолда тўланади.**

Суғурта қилдирувчи томонидан тегишли ҳужжатлар **тўлиқ тақдим этилмаган ҳолатда**, суғурталовчи суғурта қилдирувчинини **ариза бергандан сўнг 3 кун муддатда** ҳужжатларни тўлиқ тақдим этиш тўғрисида огоҳлантиради.



Суғурталовчи суғурта товонини тўлаш ёки тўлашни рад этиш ҳақида суғурта қилдирувчи томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг **15 кун муддатда қарор қабул қилади**. Агарда суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинса, суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлашнинг рад этишни асослантирган сабабларини кўрсатган ҳолда хабар беради.



Суғурта товони суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб **5 кун муддатда тўлаб берилади**.



Қуйидаги ҳолатларда суғурталовчи суғурта ҳодисасини тан олмайди ва ҳайвонларга етказилган зарар учун суғурта товони тўламайди:

ҳайвонлар суғурта шартномаси кучга кирган кундан сўнг 20 кун муддатда касалликлар оқибатида нобуд бўлса, мажбуран сўйилса ёки йўқ қилинса; суғурта қилдирувчи имконияти бўлган ҳолда, суғурта ҳодисаси бўлганлиги тўғрисида ўрнатилган муддатларда хабар бермаса ва натижада суғурта ҳодисаси бўлганлигини ҳамда етказилган зарарни аниқлаб бўлмаса;

ҳайвонлар ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилмаган суғурта таваккалчиликлари ёки ушбу Кўлланмага 2-иловада кўрсатилмаган касалликлар оқибатида нобуд бўлса, мажбуран сўйилса ёки йўқ қилинса;

ҳайвонлар хўжалик мақсадлари учун сўйилган бўлса;

суғурта қилдирувчи ветеринар мутахассиснинг давосиз касалга чалинган ёки бахтсиз ҳодисага дучор бўлган ҳайвонни сўйиш ҳақидаги кўрсатмаларини бажармаганлиги туфайли ҳайвон нобуд бўлса;

суғурта қилдирувчи томонидан суғурта ҳодисаси вақтида ва ундан сўнг ҳайвонларни нобуд бўлишининг олдини олишга қаратилган чоралар кўрилмагани натижасида қўшимча нобуд бўлган ҳайвонлар учун;

суғурта қилдирувчи била туриб, ёлғон ва ҳақиқий бўлмаган маълумотларни тақдим этса.



ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Суғурталовчининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

суғурта шартномаси амал қилиш даврида суғурталанган ҳайвонларни озиқлантириш ва сақлаш шароитини ўрганиш, суғурта ҳодисаси содир бўлганда ҳодиса сабабини ўрганиш ва зарур ҳолатларда **экспертларни жалб этиш**;



суғурталанган ҳайвонларнинг касалланиши ва мажбуран сўйилишига ёки нобуд бўлишига айбдор бўлган шахслар аниқланган ҳолатларда, суғурталовчи томонидан тўланган суғурта товонини ундириш ҳақида **даъво киритиш**;

суғурта қилдирувчидан суғурта товони миқдорини аниқлаш учун тегишли ташкилотларнинг хулосаси ва **маълумотларини сўраб олиш**.

Суғурталовчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

суғурта қилдирувчини “Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва ҳайвонларини суғурта қилиш тартиби тўғрисида” ги Низом билан **таништириш**;

суғурта полисини белгиланган муддатда суғурта қилдирувчига **тақдим этиш**;

суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси тўғрисида хабар берганда, чорва ҳайвонларига суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарни аниқлаш ва тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирокида белгиланган тартибда **далолатнома тузиш**;

суғурта ҳодисаси содир этилган ҳолатларда чорва ҳайвонларининг нобуд бўлгани ёки мажбуран сўйилгани учун суғурта қилдирувчига суғурта товонини белгиланган муддатда **тўлаш**;

суғурта қилдирувчи ва суғурта шартномаси ҳақидаги маълумотларни **сир сақлаш**.

Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта шартномасига доир саволларга суғурталовчидан тўлиқ **жавоб олиш**;

суғурта ҳодисаси содир бўлганда, суғурта товонини белгиланган тартибда **олиш**.

Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

суғурта ҳодисаси содир бўлганда, чорва ҳайвонларини сақлаб қолиш чораларини **кўриш**;

чорва ҳайвонларининг идентификация қилингани тўғрисидаги маълумотларни суғурталовчига тақдим **қилиш**;

суғурта шартномасида белгиланган муддатларда суғурта мукофотини **тўлаш**;

суғурта ҳодисаси содир бўлганда, суғурталовчига ва тегишли ташкилотларга белгиланган муддатда ва тартибда хабар **бериш**.

СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ



Суғурта полиси йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз бўлиб қолган тақдирда, суғурта қилдирувчи ариза билан мурожаат қилган ҳолда унинг дубликатини олиш ҳуқуқига эга. Бунда суғурта қилдирувчи дубликат олиш учун суғурталовчига суғурта мукофоти суммасининг 10 фоизи миқдорида тўловни амалга ошириши керак.

Суғурта қилдирувчи мурожаат қилиб, дубликатни тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаган кундан бошлаб 2 кун муддатда суғурталовчи томонидан дубликат берилади.

Суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382 — 385, 948-моддаларида кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.



Суғурталовчининг суғурта қилдирувчилар олдидаги мажбуриятлари суғурта шартномаси бўйича бошқа суғурталовчига ўтказилган бўлса, суғурталовчини алмаштиришга суғурта қилдирувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

**Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида
фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда
парвариш қилинаётган чорва ҳайвонларини суғурта
қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Суғурта қилдирувчи (юридик ва жисмоний шахс)	Суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузиш.	Оғзаки ёки ёзма мурожаат бўйича ихтиёрий
2-босқич	Суғурта қилдирувчи (юридик ва жисмоний шахс)	Суғурталовчига суғурта мукофотини тўлаш.	1. Жисмоний шахсларнинг мурожаатига кўра. 2. Юридик шахслар томонидан суғурта шартномасига кўра 5 кун муддатда
3-босқич	Суғурталовчи	Жисмоний ва юридик шахсларга суғурта полисини бериш.	1. Жисмоний шахсларга суғурта мукофоти тўланган кунда. 2. Юридик шахсларга суғурта мукофоти тўлангандан сўнг 3 кун муддатда.
4-босқич	Суғурта қилдирувчи (юридик ва жисмоний шахс ёки уларнинг	Суғурта ҳодисаси рўй берган ҳолатда суғурталовчига ёзма ёки оғзаки хабар қилиш.	Суғурта ҳодисаси рўй берган вақтдан бошлаб 5 кун муддатда

	ишончли вакили)		
5-босқич	Суғурталовчи	Суғурталанган ҳайвонларнинг нобуд бўлганлиги, ўғирланганлиги (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса) ва мажбуран сўйилганлиги ҳақида далолатнома тузиш.	Суғурта ҳодисаси тўғрисида хабар берилгандан сўнг 3 кун муддатда
6-босқич	Суғурта қилдирувчи (юридик ва жисмоний шахс ёки уларнинг ишончли вакили)	Суғурта товонини олиш учун суғурталовчига ариза билан мурожаат қилиш.	Далолатнома тузилгандан сўнг 2 кун муддатда
7-босқич	Суғурталовчи	Суғурта қилдирувчилар томонидан тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолатда, суғурта қилдирувчини ҳужжатларни тўлиқ тақдим этиш тўғрисида огоҳлантириш.	Ариза берилгандан сўнг 3 кун муддатда

8-босқич	Суғурталовчи	Суғурта қилдирувчига суғурта тавонини тўлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.	Далолатнома тузилгандан сўнг 15 кун муддатда
9-босқич	Суғурталовчи	Суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлаб бериш.	Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун муддатда
10-босқич	Суғурталовчи	Суғурта полиси йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз бўлиб қолган тақдирда унинг дубликатини бериш.	Суғурта қилдирувчи мурожаат қилиб, дубликатни тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаган кундан бошлаб 2 кун муддатда

Суғурталанган ҳайвонлар турлари бўйича суғурта жавобгарлиги юзага келадиган касалликлар РЎЙХАТИ

Т/р		Касалликлар рўйхати
I. Турли хил ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлар		
1.	1.	Аспаргиллез
2.	2.	Қутуриш
3.	3.	Ауэски
4.	4.	Ботулизим
5.	5.	Бруцеллез
6.	6.	Везикуляр стоматит
7.	7.	Пастереллез
8.	8.	Ёмон сифатли шиш
9.	9.	Лептоспироз
10.	10.	Листерия
11.	11.	Лейкоз
12.	12.	Мелиоидоз (сохта манқа)
13.	13.	Некробактериоз
14.	14.	Чечак
15.	15.	Паратуберкулёз (паратуберкулез этерити)
16.	16.	Куйдирги
17.	17.	Стахиоботриотоксикоз
18.	18.	Қотма
19.	19.	Сил касаллиги (туберкулез)
20.	20.	Туляремия
21.	21.	Оқсил (яшур)
II. Отларнинг касалликлари		
22.	1.	Африка ўлати
23.	2.	Юқумли камқонлик
24.	3.	Юқумли ринопневмония (вирус орқали бола ташлаш)
25.	4.	Юқумли энцефаломиелит
26.	5.	Инфлуэнца
27.	6.	Контагиоз плевропневмония
28.	7.	Сақов
29.	8.	Манқа
30.	9.	Эпизоотик лимфангоит
III. Қорамол, қўй, эчки ва туялар касалликлари		
31.	1.	Аденоматоз
32.	2.	Тейлериоз
33.	3.	Бабезиоз касаллиги
34.	4.	Қўйлар брадзоти
35.	5.	Вирусли диарея

36.	6.	Вирусли зотилжам
37.	7.	Вирус орқали қўйларнинг бола ташлаши
38.	8.	Шиллиқ пардаларнинг хавфли иситма безгаги
39.	9.	Қўй ва эчкиларнинг юқумли ағалактияси
40.	10.	Эчкиларнинг юқумли плевропневмонияси
41.	11.	Қўйларнинг юқумли энтеротоксемияси
42.	12.	Қорамол ва қўйларнинг юқумли шиллиқ парда безгаги (тилнинг қўқариши)
43.	13.	Юқумли ринотрахеит
44.	14.	Қўй ва эчкиларнинг юқумли мастити (сут безларининг яллиғланиши)
45.	15.	Қўйларнинг юқумли эпидидимити
46.	16.	Қўй ва эчкиларнинг контагиоз пустулезли дерматити (оғиз шиллиқ пардасининг яллиғланиши)
47.	17.	Қўй ва эчкиларнинг висна-маэди
48.	18.	Қорамоллар парагриппи
49.	19.	Қўй ва эчкилар паратифи
50.	20.	Ёппасига ўпка шамоллаш
51.	21.	Қўйлар скрейпи
52.	22.	Туялар ўлати
53.	23.	Қорамол ўлати
54.	24.	Қорасон-эмфизематоз карбанкул (эмкар)
55.	25.	Тез ўтиб кетадиган безгак
56.	26.	Ориентабельгарциоз
57.	27.	Ку-иситма

IV. Чўчқалар касалликлари

58.	1.	Африка ўлати
59.	2.	Тешен касаллиги
60.	3.	Везикуляр касаллик
61.	4.	Везикуляр экзантема
62.	5.	Вирусли зотилжам
63.	6.	Грипп
64.	7.	Юқумли ичбуруғ
65.	8.	Колибактериоз
66.	9.	Полисерозит
67.	10.	Сарамас
68.	11.	Салмонеллез
69.	12.	Стрептококк
70.	13.	Трансмиссив гастроэнтерит
71.	14.	Ўлат
72.	15.	Энзоотик энцефаломиелит

V. Мўйнали ҳайвонлар ва қуёнлар касалликлари

73.	1.	Қоракузанларнинг алеут касаллиги
74.	2.	Шимол тулкиси (песец) ва кумушранг-қора тулкиларнинг вирусли сариқ касаллиги

75.	3.	Қоракузанларнинг вирусли энтерити,
76.	4.	Қуёнларнинг юқумли ринити
77.	5.	Миксоматоз
78.	6.	Псевдомоноз
79.	7.	Қоракузанлар стрептококози
80.	8.	Ўлат
81.	9.	Энзоотик энцефаломиелит
82.	10.	Қоракузанлар энцефалогатияси

VI. Паррандалар касалликлари:

83.	1.	Аспергиллез
84.	2.	Марек касаллиги
85.	3.	Ўрдакларнинг вирусли сариқ касаллиги
86.	4.	Грипп
87.	5.	Ғоз ва куркаларнинг вирусли энтерити
88.	6.	Товуқларнинг юқумли бронхити
89.	7.	Паррандаларнинг юқумли ларинготрахеити
90.	8.	Юқумли энцефаломиелит
91.	9.	Микоплазмоз
92.	10.	Ньюкасл касаллиги
93.	11.	Оспадифтерит
94.	12.	Орнитоз (пситтакоз)
95.	13.	Пастереллез (вабо)
96.	14.	Пуллороз-паррандалар терламаси
97.	15.	Стрептококкоз

VII. Асаларилар касалликлари

98.	1.	Америкача фасод
99.	2.	Вирусли фалажлик
100.	3.	Европача фасод
101.	4.	Меланоз
102.	5.	Паратиф
103.	6.	Септицемия
104.	7.	Халтасимон расплод
105.	8.	Варатоз
106.	9.	Акарацидоз
107.	10.	Нзематоз
108.	11.	Аскосфероз

VIII. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аввал рўйхатга олинмаган касалликлар

ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИНИ
(қорамол, от, туя, чўчқа, қўй ва эчки)
СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА _____ -СОН СУҒУРТА ПОЛИСИ

(суғурталовчининг номи)

20__ йил «__» _____ да тузилган _____ -сон шартномага асосан _____ га

(суғурта қилдирувчининг номи)

_____ суғурта ҳимоясини тақдим этади.

(суғурталанган чорва ҳайвонлари тури)

1. Суғурта таваккалчиликлари: ёнғин, бўрон, довул, сел, сув тошқини, яшин уриши, зилзила, қаттиқ совуқ тушиши натижасида музлаб қолиши, электр токи уриши (ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаса), заҳарли ўтлар ёки моддалардан заҳарланиш, транспорт воситаларининг уриб кетиши, портлаш, кўчки, йиртқич ҳайвонлар ҳужуми, сувга ёки жарликга қулаш, касалликлар натижасида нобуд бўлиш, ҳайвонлар ўлиши муқаррар бўлганда ёки касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида давлат ветеринария хизмати ходими ва маҳалла фуқаролар йиғини вакили иштирокида мажбуран сўйилиши ёки йўқ қилиниши, ўғирланиши (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса), ўткир предметлардан зарар кўриш ёки нобуд бўлишдан суғурта жавобгарлигини олиб боради.

Шартномага асосан суғурта пули: (_____) _____ минг сўм.

Суғурта мукофоти: (_____) _____ минг сўм.

2. 20__ йил «__» _____ да тузилган _____ -сон шартномага асосан ҳисобланган суғурта мукофоти (қўшимча қиймат солиғисиз) 20__ йил «__» _____ да суғурталовчининг ҳисобрақамига келиб тушди.

3. Суғурта полиси 20__ йил «__» _____ дан кучга киради ва 20__ йил «__» _____ да ўз кучини йўқотади.

«Суғурталовчи» _____

Раҳбар

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

Бош ҳисобчи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

М.Ў.

20__ йил «__» _____ да берилди.

Суғурта полисини 20__ йил «__» _____ да олдим.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

ПАРРАНДАЛАРНИ
(товуқ, курка, цесарка, туяқуш, ўрдак, ғоз, бедана)
СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА _____ -СОН СУҒУРТА ПОЛИСИ

(суғурталовчининг номи)

20__ йил «__» _____ да тузилган _____ -сон шартномага
асосан _____ га

(суғурта қилдирувчининг номи)

_____ суғурта ҳимоясини тақдим этади.

(суғурталанган чорва ҳайвонлари
тури)

1. Суғурта таваккалчиликлари: ёнғин, бўрон, довул, сел, сув тошқини, яшин уриши, зилзила, қаттиқ совуқ тушиши натижасида музлаб қолиши, электр токи уриши (ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаса), заҳарли ўтлар ёки моддалардан заҳарланиш, транспорт воситаларининг уриб кетиши, портлаш, кўчки, йиртқич ҳайвонлар ҳужуми, сувга ёки жарликга қулаш, касалликлар натижасида нобуд бўлиш, ҳайвонлар ўлиши муқаррар бўлганда ёки касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида давлат ветеринария хизмати ходими ва маҳалла фуқаролар йиғини вакили иштирокида мажбуран сўйилиши ёки йўқ қилиниши, ўғирланиши (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса), ўткир предметлардан зарар кўриш ёки нобуд бўлишдан суғурта жавобгарлигини олиб боради.

Шартномага асосан суғурта пули: (_____) _____) минг сўм.

Суғурта мукофоти: (_____) _____) минг сўм.

2. 20__ йил «__» _____ да тузилган _____ -сон шартномага асосан ҳисобланган суғурта мукофоти (қўшимча қиймат солиғисиз) 20__ йил «__» _____ да суғурталовчининг ҳисобрақамига келиб тушди.

3. Суғурта полиси 20__ йил «__» _____ дан кучга киради ва 20__ йил «__» _____ да ўз кучини йўқотади.

«Суғурталовчи» _____

Раҳбар

(имзо)

(Ф.И.О)

Бош ҳисобчи

(имзо)

(Ф.И.О)

М.ў.

20__ йил «__» _____ да берилди.

Суғурта полисини 20__ йил «__» _____ да олдим.

(имзо)

(Ф.И.О)

АСАЛАРИНИ
СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА _____ -СОН СУҒУРТА ПОЛИСИ

(суғурталовчининг номи)

20__ йил «__» _____ да тузилган _____ -сон шартномага
асосан _____ га

(суғурта қилдирувчининг номи)

_____ суғурта ҳимоясини тақдим этади.
(суғурталанган чорва ҳайвонлари тури)

1. Суғурта таваккалчиликлари: ёнғин, бўрон, довул, сел, сув тошқини, яшин уриши, зилзила, қаттиқ совуқ тушиши натижасида музлаб қолиши, касалликлар натижасида нобуд бўлиши, ўғирланишидан (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса) суғурта жавобгарлигини олиб боради.

Шартномага асосан суғурта пули: (_____) _____
_____) минг сўм.

Суғурта мукофоти: (_____) _____
_____) минг сўм.

2. 20__ йил «__» _____ да тузилган _____ -сон шартномага асосан ҳисобланган суғурта мукофоти (қўшимча қиймат солиғисиз) 20__ йил «__» _____ да суғурталовчининг ҳисобрақамига келиб тушди.

3. Суғурта полиси 20__ йил «__» _____ дан кучга киради ва 20__ йил «__» _____ да ўз кучини йўқотади.

«Суғурталовчи» _____

Раҳбар

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

Бош ҳисобчи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

М.Ў.

20__ йил «__» _____ да берилди.

Суғурта полисини 20__ йил «__» _____ да олдим.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

**БАЛИҚЛАРНИ
СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА _____ -СОН СУҒУРТА ПОЛИСИ**

(суғурталовчининг номи)

20__ йил «__» _____ да тузилган _____ -сон шартномага
асосан _____

_____ га

(суғурта қилдирувчининг номи)

_____ суғурта ҳимоясини тақдим
этади.

(суғурталанган чорва ҳайвонлари тури)

1. Суғурта таваккалчиликлари: бўрон, довул, сел, сув тошқини, зилзила, касалликлар натижасида нобуд бўлиш, мазкур жойга ҳос бўлмаган даражада ҳавонинг совуқ келиши, муз кўчиши, портлаш, балиқхўр қушлар (чайка, баклан) томонидан зарар етиши, учинчи шахс томонидан қасддан қилинган ҳаракат, ўғирликдан (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса) суғурта жавобгарлигини олиб боради.

Шартномага асосан суғурта пули: (_____) _____
_____) минг сўм.

Суғурта мукофоти: (_____) _____
_____) минг сўм.

2. 20__ йил «__» _____ да тузилган _____ -сон шартномага асосан ҳисобланган суғурта мукофоти (қўшимча қиймат солиғисиз) 20__ йил «__» _____ да суғурталовчининг ҳисобрақамига келиб тушди.

3. Суғурта полиси 20__ йил «__» _____ дан кучга киради ва 20__ йил «__» _____ да ўз кучини йўқотади.

«Суғурталовчи» _____

Раҳбар

(имзо)

(Ф.И.О)

Бош ҳисобчи

(имзо)

(Ф.И.О)

М.Ў.

20__ йил «__» _____ да берилди.

Суғурта полисини 20__ йил «__» _____ да олдим.

(имзо)

(Ф.И.О)

МЎЙНАЛИ ҲАЙВОНЛАРИ

(ондатра, қуён ва бошқа мўйнали ҳайвонлар)

СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА _____ -СОН СУҒУРТА ПОЛИСИ

(суғурталовчининг номи)

20__йил «__» _____ да тузилган _____ -сон шартномага асосан _____

га

(суғурта қилдирувчининг номи)

_____ суғурта ҳимоясини тақдим этади.

(суғурталанган чорва ҳайвонлари тури)

1. **Суғурта таваккалчиликлари:** ёнғин, бўрон, довул, сел, сув тошқини, яшин уриши, зилзила, қаттиқ совуқ тушиши натижасида музлаб қолиши, электр токи уриши (ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаса), заҳарли ўтлар ёки моддалардан заҳарланиш, транспорт воситаларининг уриб кетиши, портлаш, кўчки, йиртқич ҳайвонлар ҳужуми, сувга ёки жарликга қулаш, касалликлар натижасида нобуд бўлиш, ҳайвонлар ўлиши муқаррар бўлганда ёки касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида давлат ветеринария хизмати ходими ва маҳалла фуқаролар йиғини вакили иштирокида мажбуран сўйилиши ёки йўқ қилиниши, ўғирланиши (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса), ўткир предметлардан зарар кўриш ёки нобуд бўлишдан суғурта жавобгарлигини олиб боради.

Шартномага асосан суғурта пули: (_____) _____) минг сўм.

Суғурта мукофоти: (_____) _____) минг сўм.

2. 20__йил «__» _____ да тузилган _____ -сон шартномага асосан ҳисобланган суғурта мукофоти (қўшимча қиймат солиғисиз) 20__йил «__» _____ да суғурталовчининг ҳисобрақамига келиб тушди.

3. Суғурта полиси 20__йил «__» _____ дан кучга киради ва 20__йил «__» _____ да ўз кучини йўқотади.

«Суғурталовчи» _____

Раҳбар

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

Бош ҳисобчи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

М.Ў.

20__йил «__» _____ да берилди.

Суғурта полисини 20__йил «__» _____ да олдим.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

**СУҒУРТА ҚИЛИНГАН ЧОРВА ҲАЙВОНИ НОБУД БЎЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА
ДАЛОЛАТНОМА**

20 __ йил « __ » _____

_____ (тузилган жой манзили кўрсатилдаи)

Биз _____ фуқаролар йиғини раиси ёки котиби,
(Ф.И.О.)

_____ туман суғурта ташкилоти бўлинмаси менежери (бош андеррайтер) _____,

туман давлат ветеринария хизмати ходими _____ (Ф.И.О.)
(Ф.И.О.)

суғурта қилдирувчи ёки оиланинг балоғатга етган аъзоси _____ ва
гувоҳлар:

(Ф.И.О
)

1. _____ ; 2. _____ ;

(Ф.И.О. ва шахс тўғрисидаги
маълумот)

(Ф.И.О. ва шахс тўғрисидаги маълумот)

иштирокида _____ қишлоқда яшовчи _____ қарашли
(манзили) (чорва ҳайвон эгасининг Ф.И.О.)

чорва ҳайвони нобуд бўлганлиги ҳақида ушбу далолатномани туздик.

1. Ҳайвоннинг тури, ёши (ойи) _____ ;
2. Туси (ранги), белгилари _____ ;
3. Ҳайвон қачон нобуд бўлди (мажбурий сўйилди ёки йўқ қилинди) _____ ;
4. Ҳайвоннинг нобуд бўлгани тўғрисида қачон ва кимга хабар қилинди (ноилож сўйилганда ёки йўқ қилинганда) _____ ;
5. Агарда ҳайвоннинг нобуд бўлгани ҳақида хабар белгиланган муддатдан кечиктирилиб берилса, сабаби кўрсатилсин _____ ;
6. Ҳайвоннинг нобуд бўлиши, мажбуран сўйилиши ёки йўқ қилиниши қандай ҳолатларда бўлди _____ ;

Ҳайвоннинг нобуд бўлиши ёки бахтсиз ҳодисасига учраши кимни айби билан бўлди ва бу айб нимадан иборат _____

(чорва ҳайвоннинг нобуд бўлишига айбдор
шахснинг Ф.И.О.)

(иш жойи ёки турар жойи
кўрсатилсин)

Фуқаролар йиғини раиси (котиби) _____

(имзо)

Фуқаролар йиғинининг муҳри

Суғурта ташкилотининг бўлинма менежери ёки

бош андеррайтер _____;

(имзо)

Туман давлат ветеринария хизмати ходими _____;

(имзо)

Оила бошлиғи ёки оиланинг вояга етган аъзоси _____.

(имзо)

Гувоҳлар: 1. _____ 2. _____

(Қирқиш
чизиғи)

**Суғурталанган чорва ҳайвони нобуд бўлганлиги ҳақида _____ -сон далолатноманинг
қоладиган қисми**

Далолатнома 20 __ йил «__» ____ да _____ фуқаролар йиғини раиси
ёки котиби,

(Ф.И.О.)

_____ туман бўлинма менежери ёки бош андеррайтер томонидан тузилди
(Ф.И.О.)

_____ нобуд бўлган _____ эгаси _____

(чорва ҳайвон тури) (ранги ва туси)

(Ф.И.О. чорва ҳайвон эгасининг яшаш жойи)

Фуқаролар йиғинининг раиси ёки котиби _____, бўлинма менежери ёки бош
(имзо)

андеррайтери _____.

(имзо)

орқа томони

ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИНИНГ ХУЛОСАСИ

(хулоса берган давлат ветеринария хизматининг номи ва унинг хулоса берган ходимининг Ф.И.О.)

1. Хулоса нимага асосланиб берилди (нобуд бўлган ҳайвонни шахсан (мажбурий сўйилишига ёки йўқ қилинганда) кўриш ёки амбулатория даволаш ва ветеринария лабораториясининг текшириши тўғрисида маълумотлар)

2. Ҳайвон қачон касал бўлди _____ қачон ва кимга бу тўғрида хабар қилинди _____

3. Касал бўлган ҳайвон ким томонидан қачон даволанган ёки мажбуран сўйилиш ҳақида кўрсатма берилди

4. Ҳайвоннинг касалланиши, нобуд бўлиши, унинг мажбуран сўйилиши, йўқ қилиниши сабаблари

5. Ҳайвон қачон нобуд бўлган _____ мажбуран сўйилган (йўқ қилинган) _____ агар сўйилган бўлса қандай сабабларга кўра _____ мажбурий сўйилган.

Сўйилган ҳайвоннинг гўшти истеъмол қилиниши мумкин эмас

(сабабни кўрсатинг)

20 ____ йил « ____ » _____ да давлат ветеринария хизмати ходимининг _____

(имзо)

**Давлат ветеринария хизматининг
Муҳри**

СУҒУРТА ТАШКИЛОТИ БЎЛИНМАСИНИНГ МАЪЛУМОТИ

Далолатнома бўлинма томонидан _____
20__ йил «__» _____ да олинди Шартнома тузилди _____
ва қайд қилиш дафтарига _____
_____ -сон билан ёзилди (имзо) Суғурта полисининг рақами _____
_____ Суғурта пули _____
_____ Бўлинма бош ҳисобчиси _____
(имзо)

(Қирқиш чизиғи)

Фуқаролар йиғинининг белгиси

Далолатнома суғурта бўлинмасига юборилди 20__ йил «__» _____
Фуқаролар йиғининг раиси _____
(имзо)

Далолатномани суғурта бўлинмасига бериш учун олдим 20__ йил «__» _____

20__ йил «__» _____
(лавозими ва ФИО кўрсатилсин) (имзо)

